

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги  
Олий аттестация комиссиясида 2021 йилнинг 9 ойи яқунлари бўйича амалга  
оширилган ишлар натижалари тўғрисида  
МАЪЛУМОТ**

**1. Молиявий-иқтисодий кўрсаткичларнинг бажарилиши.** 2021 йилнинг 9 ойи яқунлари бўйича бюджет смета харажатлари 1932,0 млн. сўм (2020 йилнинг шу даврида 1892,0 млн. сўм, 102,1%) миқдорида тасдиқланиб, тўлиқ молиялаштирилди ва маблағлар мақсадли ўзлаштирилди. ОАК бўйича иш ҳақи тасдиқланган смета харажатлари асосида 1367,0 млн. сўм (1231,0 млн. сўм, 111,0%) миқдорида молиялаштирилиб, тўловлар тўлиқ амалга оширилди. Иш ҳақи ва нафақалар бўйича тўловлар тўлиқ амалга оширилди.

**2. Ҳажмий кўрсаткичларнинг бажарилиши.** Илмий даражалар ва илмий унвонларда тасдиқлаш бўйича илмий-ташқилий чора тадбирлар амалга оширилиб, 9 ойлик яқунлари бўйича самарадорлик кўрсаткичларининг бажарилиши таъминланиб, жумладан ҳисобот даврида самарадорлик кўрсаткичларига нисбатан ўсиш суръатлари илмий даражалар бўйича 137 фоизни ва илмий унвонлар бўйича 122,6 фоизни ташкил этди.

**3. Инвестиция дастурининг бажарилиши.** Инвестиция дастури йўқ.

**4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, кўрсатмалари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарори ва топшириқларининг ижроси таъминланди, жумладан:**

**а) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги ПФ-6155-сон “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Ёшларни қўллаб-қувватлаш аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги Фармони** ижроси юзасидан ОАК бўйича буйруқ имзоланиб (№15, 05.02.2021 й.), чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Фармонда белгиланган бандлар ижросини муддатида ва сифатли ташкил этиш юзасидан ишчи гуруҳи таркиби тасдиқланиб, қуйидагилар амалга оширилди:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони 3-бандининг “д” кичик банди иккинчи хатбошиси ижроси, жумладан илмий унвон ва илмий даражаларни бериш ваколатини 2021 йил 1 сентябрдан бошлаб республиканинг нуфузли олий таълим муассасаларининг илмий кенгашларига босқичма-босқич ўтказиш бўйича Инновацион ривожланиш вазирлиги билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Илмий даражали кадрлар тайёрлаш ва олий таълимдан кейинги таълим соҳасида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори лойиҳаси ишлаб чиқилиб, ҳужжат лойиҳаси Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталида муҳокамадан ўтказилди (<https://regulation.gov.uz/uz/d/27706>, ID-27706). Қарор лойиҳаси Инновацион ривожланиш вазирлиги билан биргаликда Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизими орқали тегишли вазирлик ва идораларлар билан келишилган ҳолда Вазирлар Маҳкамасига киритилди (24.03.2021 й., №01-20/1680).

**б) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 июлдаги ПФ-6256-сон “Ўзбекистон Республикасида суд-экспертлик тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони** ижроси юзасидан ОАК бўйича буйруқ имзоланиб (№74, 06.07.2021 й.), чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Фармон 1-иловаси билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида суд-экспертлик фаолиятини ривожлантиришнинг 2021–2025 йилларга мўлжалланган концепцияси”нинг 3-боб, 2-банди ҳамда фармон 2-иловаси билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида суд-экспертлик фаолиятини ривожлантиришнинг 2021–2025 йилларга мўлжалланган концепцияси бўйича 2021–2023 йилларда амалга ошириладиган ишлар юзасидан “Йўл харитаси””нинг 18-бандида белгиланган топшириқлар, жумладан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги

хузуридаги Х.Сулайманова номидаги Республика суд-экспертиза марказида суд экспертизаси ихтисослиги бўйича фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) илмий даражаларини бериш бўйича алоҳида Кенгаш фаолиятини йўлга қўйиш ишларини ўрнатилган тартибда ташкил этишга А.Шермухамедов (ОАК Бош илмий котиби) ва М.Саиповалар (бош мутахассис) масъул этиб белгиланди. Республика суд-экспертиза маркази хузурида 2022 йилнинг 1 апрелига қадар суд экспертизаси бўйича фан доктори (DSc) ва фалсафа доктори (PhD) илмий даражаларини берувчи илмий кенгаш фаолиятини йўлга қўйиш юзасидан Адлия вазирлиги билан биргаликда тегишли тадбирлар ўрнатилган тартибда амалга оширилмоқда.

**в) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 июлдаги ПФ-6269-сон “Давлат хизматлари кўрсатиш инфратузилмасини такомиллаштириш ва аҳолининг давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони** ижроси юзасидан ОАК бўйича буйруқ имзоланиб (№83, 27.07.2021 й.), чора-тадбирлар режаси тасдиқланди. Фармон 4-иловаси билан тасдиқланган “2022 йил 1 январдан кўрсатиш муддатлари қисқартириладиган давлат хизматларининг айрим турлари рўйхати”нинг 2–7-бандларида ОАК томонидан кўрсатиладиган давлат хизматларининг қисқартирилган муддатлари ҳамда 2022 йил 1 январдан бошлаб давлат органлари томонидан аҳолидан, шу жумладан тадбиркорлик субъектларидан рўйхати белгиланган маълумотларни талаб қилиш бекор қилинганлиги маълумот ва ижро учун қабул қилинди. Фармон 2-иловаси билан тасдиқланган “Давлат хизматлари марказлари ва ЯИДХП орқали босқичма-босқич жорий этиладиган давлат хизматлари рўйхати” 57 ва 65-69-бандлари ижросини муддатида амалга ошириш бўйича тегишли дастурий-техник тадбирлар амалга оширилмоқда (муддат: 2022 йил, август, ноябрь).

**5. Бошқа устувор йўналишлар бўйича амалга оширилган ишлар:**

**а) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 30 июндаги “Бино ва иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлигини баҳолаш ҳамда электрон техник паспортларни шакллантириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги 405-сон қарори** ижроси юзасидан ОАК бўйича буйруқ имзоланди (№71, 01.07.2021 й.) ва чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 30 июндаги “Бино ва иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлигини баҳолаш ҳамда электрон техник паспортларни шакллантириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги 405-сон қарори 3-банди ижроси юзасидан 2021 йил 1 июлдан бошлаб босқичма-босқич ОАКга тегишли бино қисмининг электрон техник паспорти шакллантирилиб, бино ва иншоотлари электрон техник паспортларининг ягона интеграциялашган платформасига киритиш ҳамда зуруратга қараб электрон техник паспортни мунтазам янгилаб бориш ишлари амалга оширилмоқда.

**б) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 28 июлдаги “Вазирликлар, давлат қўмиталари, давлат бошқарувининг бошқа органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарларининг фаолияти самарадорлигини ҳамда мақсадли вазифаларга эришишларини баҳолашнинг асосий мезонларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 467-сон қарори** ижроси юзасидан ОАК бўйича буйруқ имзоланди (№84, 29.07.2021 й.) ва чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарори 4-иловаси билан тасдиқланган ОАК Бош илмий котиби фаолияти самарадорлигини ҳамда мақсадли вазифаларга эришишларини баҳолашнинг асосий мезонларини эътиборга олган ҳолда 2021 йил II ярим йиллиги учун ОАК Бош илмий котиби фаолияти кўрсаткичлари қарорда белгиланган Ташкилий схема асосида ишлаб чиқилди ва Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда ОАК Раёсати қарори билан тасдиқланди. ОАК Бош илмий котиби фаолияти тасдиқланган самарадорлик кўрсаткичлари асосида йўлга қўйилган бўлиб, фаолият кўрсаткичлари ижроси бўйича ҳар ой якунида оммавий ахборот воситаларида ахборот берилиши ташкил қилинди.

в) *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 31 июлдаги 475-сон “Рақамли технологиялар ва сунъий интеллектни ривожлантириш илмий-тадқиқот институти фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори* ижроси юзасидан ОАК бўйича буйруқ имзоланди (№84а, 02.08.2021 й.) ва чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарори 2-илоvasи билан тасдиқланган “Рақамли технологиялари ва сунъий интеллектни ривожлантириш илмий-тадқиқот институти фаолиятини ташкил этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар Дастури”нинг тегишли бандлари, жумладан 8-банд ижроси бўйича – Рақамли технологиялар ва сунъий интеллектни ривожлантириш илмий-тадқиқот институтида сунъий интеллект соҳасида олий таълимдан кейинги таълимни ташкил этишга Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва Инновацион ривожланиш вазирлиги билан биргаликда тегишли ишларни амалга оширишга ОАК Бош илмий котиби (А.Шермухамедов) ва йўналиш бўйича бош инспектор (Ю.Юлдошев) масъул этиб белгиланди. Дастурнинг 9-банди ижроси бўйича – Рақамли технологиялар ва сунъий интеллектни ривожлантириш илмий-тадқиқот институти қошида рақамли технологиялари ва сунъий интеллект бўйича фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) илмий даражаларини берувчи Илмий кенгашни ташкил этиш юзасидан тегишли илмий-ташкилий ишлар амалга оширилмоқда.

2021 йил февраль-август ойларида Тошкент шаҳри ва минтақаларда жойлашган ОТМ/ИТМ илмий жамоатчилиги ва ёшлари билан 69 та учрашув ташкил этилиб, унда 2358 нафар ёш тадқиқотчи иштирок этди, 908 та саволга тушунтириш берилди, 146 нафар изланувчининг масаласи жойида ҳал этилди 406 нафар изланувчига жойида услубий ёрдам кўрсатилди.

*Ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича тегишли ишлар амалга оширилиб,* юқори ташкилотлардан келиб тушган ҳужжатлар ижроси тўлиқ таъминланди ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг барча мурожаатларига ўз вақтида жавоб берилди.

Ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича юқори ташкилотлардан **246** (173 та, 142,1%) та ҳужжат келиб тушиб, шу даврга белгиланган топшириқларнинг ижроси тўлиқ таъминланди. Ҳисобот даврида юқори ташкилотлардан **246** (173 та, 142,1%) та ҳужжат келиб тушиб, шу даврга белгиланган топшириқларнинг ижроси тўлиқ таъминланди. Жисмоний ва юридик шахсларнинг **237** (169 та, 140,2%) та жумладан **8** (6 та, 133,3%) та оғзаки ҳамда **229** (163 та, 140,4%) та ёзма мурожаатлари ҳисобга олинди. Барча мурожаатларга ўз вақтида жавоб берилди.

**6. Соҳа бўйича мавжуд камчилик ва муаммолар, уларни бартараф этиш юзасидан таклифлар.** *Мавжуд камчилик ва муаммолар:*

1) ОАК фаолиятини такомиллаштириш ва айрим функцияларини жойларга бериш; 2) илмий унвонлар ва илмий даражаларда мустақил тасдиқлаш ҳуқуқини ОТМ/ИТМларга босқичма-босқич ошириб бориш; 3) аттестация талабларининг ягоналигини таъминлаш.

*Уларни бартараф этиш юзасидан таклифлар:*

1) Давлат раҳбарининг 2021 йил 16 июнь куни “Олий таълим соҳасидаги ислоҳотлар натижадорлиги ҳамда янги ўқув йилига тайёргарлик жараёнлари”га бағишланган видеоселектор йиғилишида берган тегишли топшириқлар ижросини таъминлаш; 2) диссертациялар сифати ва самарадорлигини ҳамда аттестация талабларининг ягоналигини таъминлаш юзасидан низом талабларига тўла риоя қилинишини ташкил қилиш.

*2021 йил давомида амалга оширилиши режаслаштирилган устувор вазифалар.*

1) Диссертациялар сифати ва самарадорлигини, аттестация талабларининг ягоналигини таъминлаш; 2) илмий унвон ва илмий даражалар бўйича белгиланган йиллий самарадорлик кўрсаткичлари ижросини таъминлаш; 3) Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари, топшириқлари ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатларида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш.